
Марғилон шаҳрида 33 нафар аёлларга тикув машиналари топширилди

Вазирлар Маҳкамасининг 252-сонли қарорига асосан, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш Агентлиги жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳоким ёрдамчиларининг тавсиясига кўра ишсиз фуқароларга субсидия асосида меҳнат қуроллари тарқатилмоқда.

Хусусан бугун Марғилон шаҳрида ҳам 33 нафар аёлларга доимий даромадга эга бўлишларини таъминлаш мақсадида субсидия асосида тикув машиналари топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда шаҳар ҳокими сўз олиб Марғилон шаҳрида фуқароларнинг доимий иш билан банд, даромад манбаига эга бўлишлари учун амалга оширилаётган ишларни алоҳида эътироф этди.

Янги тикув машиналари соҳибалари берилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимиз ҳамда масъулларга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

2023-02-11 16:12:34